



Энди вахий сўзининг лугавий ва истилохий маъноси, турлари ва холатлари хакида тўхталамиз.

*Вахийнинг лугавий ва истилохий маъноси:*

Лугатда бошқалардан яшириб гапирилган гапга айтилади. Вахий тезкор ишора бўлиб, гохида овознинг ўзи билан гохида эса тана аъзоларининг бири билан ишора қилиш орқали ҳам бўлади. Вахий сўзининг ўзаги икки аслий маъно – махфийлик ва тезкорликни ифода қилади. Шунинг учун вахийнинг лугавий маъноси хакида уламолар: «Вахий бу муайян кишига хос хабарни бошқалардан сир тутган холда махфий ва тезкор шаклда билдиришдир», дейишган.

*Вахий лугатда қуйидаги маъноларни ўз ичига олади:*

**1. Гаризий илхом яъни инстинкт.** Бу худди асал арига Аллох тарафидан вахий – гаризий илхом қилингани каби. Аллох таоло:  
**«Роббинг асаларига: «Тоглардан, дарахтлардан ва кўтарилган ишқомлардан уй тутгин», деб вахий юборди»**  
, деган (Нахл сураси, 68-оят).

**2. Фитрий – табиий илхом.** Бу худди Мусо алайхиссаломнинг онасига вахий – табиий илхом йўли билан билдирилгани каби. Аллох таоло: **«Ва Мусонинг онасига «Уни эмизавер. Кўрккан чоғингда уни дарёга ташла, кўркма, махзун бўлма, албатта, Биз уни сенга кайтарувчимиз ва уни расуллардан килувчимиз», деб вахий килдик»**, деган (Касос сураси, 7-оят).

**3. Шайтоннинг васвасаси ва ёмонликни инсонга чиройли кўрсатиш.**

Аллох таоло: **«Албатта, шайтонлар ўз дўстларига сизлар билан тортишишни вахий килурлар»**, деган (Анъом сураси, 121-оят). Ояти каримада вахий килурлар деганда васваса килишлари назарда тутилган.

**4. Имо, тезкор ишора.** Бу Закариё алайхиссалом ўз кавмига вахий – имо-ишора йўли билан эртаю кеч ибодат килишларини буюрганидек. Аллох таоло бу ҳақда: **«Меҳробдан ўз кавми хузурига чиқди ва уларга: «Эртаю кеч тасбеҳ айтинглар», деб ишора килди»**, деган (Марям сураси, 11-оят).

**5. Аллох таолонинг фаришталарга бирор ишни килишлари учун вахийси – буйруги.**

Аллох таоло: **«Ўшанда Роббингиз фаришталарга: «Мен, албатта, сиз биланман, бас, сиз иймон келтирганларни собит килинг...», деб вахий килган эди»**, деган (Анфол сураси, 12-оят).

Аллох пайгамбарларига килган вахийда бундаги икки аслий маъно – махфийлик ва тезкорлик этиборга олинган.

Шунингдек, Аллох таоло пайгамбарларига нозил килган, уларга гайб хабарларини ва шариат аҳкомларини танитган нарсага ҳам вахий дейилади.

#### **Пайгамбарларга юборилган вахийнинг истилохий маъноси:**

Истилохда вахий Аллох таолонинг пайгамбарлардан бирига шаръий ва шунга ўхшаш хукми билдиришидир. Аллох таолонинг уларга нозил килган каломи хам вахийдир. Бу таъриф исми мафъул яъни вахий килинган нарсанинг таърифидир.

Уламолар вахийни куйидагича таърифлайдилар:

**«Вахий – Аллох таолонинг бандалари ичидан Ўзи танлаб олган шахсга Ўзи ирода килган хидоятни тез ва махфий равишда билдиришидир».**

#### **Вахийнинг турлари:**

Вахийнинг уч тури бўлиб, Аллох таоло уларни куйидаги ояти каримада зикр килган: **«Аллохнинг инсон зоти билан гаплашмоги бўлмаган, факат вахий оркали, ёки парда ортидан, ёхуд элчи юборур ва ул У Зотнинг изни ила хохлаган нарсасини вахий килур. Албатта, У Олийдир, Хикматлидир»**  
(Шуро сураси, 51-оят).

**1. Калбга бирор маънони илко килиш.** Гохида буни калбга солиш деб хам ифодаланади. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) шундай деганлар: **«Рухул-амин менинг калбимга солдики, албатта, хеч бир жон ўз ризкини мукамал олмай туриб ўлмас. Шундай экан, Аллохга такво килинг ва талабни гўзал килинг...»** (Ибн Абу Шайба хамда Байхакий «Шуъабул-ийман»да Ибн Масъуд (розияллоху анху)дан ривоят килишган).

**2. Парда ортидан гапириш.** Бу дегани Аллохни кўрмасдан У Зотнинг каломини

бевосита эшитишдир. Худди Мусо алайхиссалом Роббисининг нидосини дарахт ортидан эшитгани каби. Аллох таоло: «Бас, унинг олдига етиб келганида, водийнинг ўнг томонидан, муборак жойдан, дарахтдан унга нидо килинди:

**«Эй Мусо, албатта, Мен оламларнинг Робби – Аллохдирман»**

, деган (Касос сураси, 30-оят).

### **3. Фаришта Аллох тарафидан юборилган вахийни Аллохнинг элчисига этказиши.**

Бунда Аллохнинг элчиси фариштани одам суратида ёки ҳеч бир суратга кирмаган ҳолда кўради ва ундан вахийни эшитади ёки калбига сингдириб олади. Вахийнинг ушбу учинчи тури энг машҳур ва энг кўп содир бўлган турларидандир. Куръоннинг барчаси шу кўринишда вахий килинган. Бу «Вахюл жалий» яъни очик-ойдин вахий деб аталади.

Аллох таоло: **«Уни Рухул Амийн (Жаброил) сенинг калбингга, огохлантирувчилардан бўлишинг учун очик-ойдин араб тилида олиб тушди...»**

, деган (Шуаро сураси, 193-195-оятлар).

### **Вахийнинг ҳолатлари:**

Жаброил (алайхиссалом) Набий (соллаллоху алайхи васаллам)га турли ҳолатларда келар эди:

#### **1. Гоҳида Расулulloхга ўзининг хакикий, яъни фаришта суратида кўринар эди.**

Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) Аллох таолонинг **«Дархакикат, ўз Роббининг улкан оят (белги)ларидан**

**кўрди»**

деган сўзи хакида шундай деган: «У Зот Жаброилни кўрганлар, унинг олти юзта каноти бор эди»

(Бухорий «Тафсир китоби»да, Муслим «Иймон китоби»да ривоят қилган)

.

**2. Гохида инсон суратида кўринар эди.** Шунда саҳобалар ҳам кўришар, гапларини эшитишар эди. Муслим ривоят қилган Умар (розияллоху анху)нинг хадисида келгани каби: «Бир куни Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг хузурларида эдик. Бирдан олдимизга оппок кийимли, сочлари коп-кора бир киши кириб келди...» Набий (соллаллоху алайхи васаллам) ушбу хадиснинг охирида шундай деганлар: **«У Жаброилдир, сизларга динингизни ўргатгани келибди»**

.

Жаброил кўпинча улуг саҳобий Дихятул Калбий суратида келар эди. Дихя саҳобаларнинг энг чиройлиларидан эди.

**3. Гохида вахий кўзга кўринмай Расулуллохга махфий равишда тушар эди. Лекин унинг аломати Набий (соллаллоху алайхи васаллам)да кўринар эди.**

– У Зот уйкудаги одамнинг нафас олишига ўхшаш нафас олар, вахийнинг залворидан каттик совук кунда ҳам пешонаридан тер куюлар эди.

– Гохида вахий Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га кўнгирок чалингандек овоз чиқариб келар эди. Шуниси энг огир турларидан эди.

– Гохида хозир бўлган саҳобалар Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг юзлари атрофида асаларининг гуввуллашига ўхшаган овоз эшитишарди.

Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади:

«Вахий Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га нозил бўлса, у зотнинг юзларида асал- арининг гувуллаши каби овоз эшитиларди» (*Ахмад ривоят килган*). Бирок сахобалар буни англай олишмас эди. У зот эса вахий килинётган нарсани эшитар, ўзларига сингдириб олар эдилар. Бу Аллох тарафидан нозил бўлаётган вахий эканини У зот ўта аниклик билан, ҳеч бир чалкашликсиз билар эдилар. Вахий у зотдан аригач, вахий килинган нарса зехнларига мухурланиб, худди муборак калбларига ёзилгандек бўлиб колар эди.

Бухорий «Сахиhi»да мўминларнинг онаси Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят килади:

«Хорис ибн Хишом Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан: «Эй Аллохнинг Расули, сизга вахий кандай келади?» деб сўради. Шунда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): **«Ахёнда менга кўнгирок жаранги каби келади, шуниси менга энг огиридир. Сўнг мендан арийди, мен эса айтганларини ундан сингдириб олган бўламан. Ахёнда фаришта менга инсон киёфасида кўриниб сўзлайди, шунда айтаётганини сингдириб оламан»,** дедилар».

Оиша розияллоху анҳо: «Дархакикат, у Зотга каттик совук кунда вахий нозил бўлаётганини, сўнг у Зотдан ариганида пешоналаридан тер оқаётганини кўрганман», деди».

***Мухаммад Алий Мухаммад Юсуф тайёрлади***